



# O'ZBEKISTON OVOZI

2012-yil, 13-dekabr. Payshanba • 147 (31.579) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## Баркамол авлод орзуси



Мақсад, ҲАБИБУЛЛАЕВ (УЗА) олган сурат.

## ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТ — ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ

НУКУС ШАҲРИДАГИ 19-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ 2012 ЙИЛИ ҚАЙТА ТАЪМИРДАН ЧИҚАРИЛИБ, ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА КАСБ ЭТДИ. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ, СУВ ВА ИСИТИШ ТАРМОҚЛАРИ ТЎЛИҚ ЯНГИЛАНДИ. АЙНИ ПАЙТДА — ҚИШ НАФАСИ УФУРА БОШЛАГАН ШУ КУНЛАРДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЁРУФ, ШИНАМ, ИССИҚ ХОНАЛАРДА ТАЪЛИМ ОЛМОҚДА.

850 ўқувчини бағрига олган мактабнинг информатика, физика, кимё, биология хоналари ва лабораториялари замонавий усулда жиҳозланган. Мактабда ўқувчиларнинг дарсдан бўш пайтларини самарали ўтказиши учун тасвирий санъат, адабиёт, математика, мусиқа ва тикувчилик йўналишларида тўғра рақлар ишлаб турибди. Бундан ташқари каратэ, баскетбол, волейбол, футбол, стол тенниси

ва шахмат-шашка бўйича спорт секциялари фаолият кўрсатмоқда. Таълим масканида тўқсондан зиёд ўқитувчи меҳнат қилмоқда. Малакали ўқитувчиларнинг янги педагогик ва ахборот технологияларини амалиётда кенг қўллаётгани ўз самарасини берарётир. Мактаб ўқувчилари ҳар йили фан олимпиадаларида, интеллектуал танловларда савринли ўринларни эгалламоқда.

## ЎзХДП ҳаётидан

### ИНСОН МАНФААТИ — УСТУВОР МАҚСАД

ЎзХДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ТОМОНИДАН ЖОЙЛАРДА КОНСТИТУЦИЯ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТЛАРИ, СЕМИНАРЛАР ЎТКАЗИЛДИ. ТАДБИРЛАРДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ, ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ, СИЁСАТШУНОС ОЛИМЛАР ҲАМДА ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Хусусан, Чиноз, Юқори Чирчиқ ва Бўка туманларида ташкил этилган давра суҳбатларида Конституцияда инсон ва унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида қайд этилгани, бу — мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда яққол намойён бўлаётгани таъкидланди. — Конституциямиз инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, умум-башарий қадриятларни қарор топтиришда асосий ҳужжат ҳисобланади, — дейди вилоят партия кенгаши раиси, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Сирожиiddин Аъзамов. — Мамлакатимизда тинч ва осуда

ҳаёт ҳукм суриши, ютуқ ва марраларимиз ортиб бориши ҳамда жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланишида асосий Қонунимизнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис ҳар бир фуқаро Бош қомусимизда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларини тўғри англаши ва унга риоя этиши керак. Давра суҳбатида сўзга чиққанлар кучли фуқаролик жамияти қуришида ёшлар онгида эркин фикрлаш тарзини шакллантириш муҳимлигини таъкидлашди. Конституция мазмун-моҳиятини турли самарали усуллар орқали жойларда янада кенг тарғиб қилиш билан боғлиқ фикрлар ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

(Ўз мухбиримиз).

## Давра суҳбати



### СИЁСИЙ ШАРҲЛОВЧИЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

масаласи муҳокама қилинди

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА «ЖАМИЯТ» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА «ПАРТИЯ МАВЗУСИГА ИХТИСОСЛАШГАН ШАРҲЛОВЧИЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ УСЛУБЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ» ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ. УНДА ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ, ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ, ОАВ ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ЛОЙИХА ИШТИРОКЧИЛАРИ ҚАТНАШДИ.

(Давоми 2-бетда.)

## Муносабат

### МАҚСАДЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ КУЧАЙИШИ

турмуш фаровонлиги ва ободлигига хизмат қилади

МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ЗАМИРИДА ЭНГ АВВАЛО, ИНСОН МАНФААТЛАРИ, УНИНГ БАХТЛИ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ КЕЧИРИШИНИ ТАЪМИНЛАШ, ХАЛҚИМИЗГА МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯРАТИШДЕК ЭЗГУ МАҚСАД МУЖАССАМ. БУНДА АҲОЛИНИНГ МАҚСАДЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА МУҲИМ.

Шу боис мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимизда кучли ижтимоий сиёсат юритиш тизимини такомиллаштиришга катта эътибор қаратиб келмоқда. Бу — бежиз эмас, албатта. Чунки ижтимоий ҳимояни кучайтириш орқали кишиларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланади, орзу-интилишлар, ниятлар рўёбга чиқиши учун қулай шароит яратилади.

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу масалага алоҳида тўхталиб, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури орқали эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий гамжўрликни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилётганини таъкидлади.

Бу йил боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож оилаларга 8 минг 600 дан зиёд қорамол ҳамда 1 миллион 900 мингта уй паррандаси тарқатилгани, кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларга қиймати қарийб 28 миллиард сўмлик киши кийим-кечак берилгани юртимизда инсон манфаатини таъминлаш, унга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилаётганига яна бир ёрқин мисолдир.

Қувонарлиси, «Обод турмуш йили»да ҳам бу ишларни изчил давом эттириш кўзда тутилапти. Президентимиз 2013 йилда давлат ва жамиятимиз олдида турган муҳим вазифаларга тўхталар экан, аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш каби вазифалар эътиборимиз марказида бўлиши лозимлигини уқтирди.

Партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, биз бу ишлардан жуда манфаатдоримиз. Шунинг учун бу муҳим ишга муносиб ҳисса қўшишни ўз бурчимиз, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, партияимизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари Давлат бюджетидан молиялаштирилаётган ижтимоий нафақаларнинг манзиллилигини ошириш, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун ижроси бўйича мутасадди идора ва ташкилотлар томонидан олиб борилаётган ишларни назорат-таҳлил қилиб бориши белгиланган. Шу асосда партияимиз депутатлик гуруҳлари Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги тегишли доимий комиссиялар ва сессиялар муҳокамасига аҳолининг ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ қатор масалаларни олиб чиқишди. Мазкур йўналишдаги ишларни кириб келаётган 2013 йилда янада кучайтиришимиз лозимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

«Обод турмуш йили»да алоҳида қўллаб-қувватлаш ва ёрдамга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг тўғри тақсимлини устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш олдимизда турган асосий вазифалардан ҳисобланади. Бу ишларни изчил ва самарали амалга ошириш учун партияимизнинг туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда депутатлик гуруҳларининг ҳамкорлигини янада такомиллаштириш талаб этилади.

Обид ШАБАНОВ,  
ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари.

## Спорт

### ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

ОФК ҚАРОРИГА ҚўРА, 14 ЁШГАЧА БўЛГАН ФУТБОЛЧИЛАР ЎРТАСИДА ИЛК МАРОТАБА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЎТКАЗИЛАДИГАН БўЛДИ. МУСОБАҚАЛАР 2014 ЙИЛДА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ МўЛЖАЛЛАНГАН. КЕЧА КУАЛА-ЛУМПУР (МАЛАЙЗИЯ)ДА ҚИТЪА ЧЕМПИОНАТИ САРАЛАШ БАҲСЛАРИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ.

Темур Алимхўжаев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ўсмирлар (U-14) терма жамоаси «С» гуруҳида финал босқичи йўлланмаси учун кураш олиб боради. Непал мамлакатига бўладиган саралаш учрашувларида ҳамюртларимиз мезбонлардан ташқари, Тожикистон, Бутан, Мальдив ороллари ҳамда Афғонистон футболчиларига қарши майдонга тушади.

Самандар БОБОРАЖАБОВ

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

### ИШЛАБ ЧИҚИЛАЁТГАН ЯНГИ ҚОНУНЛАР

нодавлат ношижорат ташкилотларининг жамиятдаги нуфузини оширишга хизмат қилади, — дейди Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази раҳбари Шамил АСЯНОВ

3-бет

### Хориж

#### ЖИСМОНИЙ ҲАРАКАТ

эрта қаришнинг олдини олади

3-бет

### Анжуман

#### ЖУРНАЛИСТИКАДА ИХТИСОСЛАШУВ ДАВР ТАЛАБИ

4-бет

Убайдулла РОЗИҚУЛОВ, Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти фахрийси, Жамоатчилик бошқаруви ва назорати кенгаши раиси:

— «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ДА ТАЛАБА-ЁШЛАР ҲАЁТИГА ОИД МАВЗУЛАР ИЗЧИЛ ЁРИТИБ БОРИЛАДИ. ШУ БОИС БУ НАШРГА ҲАР БИР ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ОБУНА БўЛИШИ КЕРАК, ДЕБ ЎЙЛАЙМАН.

Янги йил кириб келишига 18 кун қолди. Лекин Янги йилда «Ўзбекистон овози» газетаси иш жойингизга, хонадонингизга кириб бориши учун обунани расмийлаштиришга шошилишигиз керак бўлади.

НАШР КўРСАТКИЧИ — 220

## ОБУНА — 2013



## «O'zbekiston ovozi» saytida o'qing

### SANOAT KOOPERATSIYASI ASOSIDA

tayyor mahsulotlar, butlovchi buyum va materiallar ishlab chiqarish bilan bog'liq masala xalq deputatlari Toshkent viloyat Kengashi sessiyasi kun tartibiga kiritiladigan bo'ldi



www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП: маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолиятдан

# БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

## депутат фаолиятининг бош мезони

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДА ЎзХДПдан сайланган 25, ВИЛОЯТНИНГ ШАҲАР ВА ТУМАН КЕНГАШЛАРИДА 273 НАФАР ДЕПУТАТ ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ. УЛАР ПАРТИЯНИНГ САЙЛОВОЛДИ ВА ҲАРАКАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ОРҚАЛИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИБ КЕЛМОҚДА. БЎКА ТУМАНИДАГИ «ЁҚУТХОН-САИД» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ АЪЗОСИ САИДИСЛОМ САЙДУЛЛАЕВ БИЛАН СУҲБАТИМИЗ ДЕПУТАТ МАСЪУЛИЯТИ ҲАҚИДА БЎЛДИ.

Депутатни Бўка туманидаги «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини марказида учратдик.

— Маҳалла ахли ички йўлларни таъмирлаш масаласини кўтаргани, — дейди у. — Тўғри, йўл қуриш ишлари депутатнинг бевоқиф вазифи эмас. Шунинг учун бу масалани етарлича ўрганиш юзасидан масъул идораларга депутатлик сўрови юбордим. Натижада «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги ички йўлларнинг ҳолати ўрганилиб, тегишли дастур асосида уни таъмирлаш режага киритилди. Мана, ҳозир кўраётганингиздек, таъмирлаш ишлари кетаяпти. Энди сайловчилар билан бирга ишнинг охиригача сифатли бажарилишини назорат қилаёғимиз.

— Сайловчилар хоҳиш-иродасини қай даражада ифода қилиш олаёти, деб ўйлайсиз?

— Фуқаролардан турли мазмундаги мурожаатлар бўлади. Ҳар бир масалани чуқур ўрганиб, ечимини топишга, имкон қадар, ваколатим доирасида уларга ёрдам беришга ҳаракат қиламан.

Жорий йилнинг март ойида Бўка шаҳридаги «Ўзбек» маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи Азамжон Пулатов чорвачиликни ривожлантириш учун банкдан кредит олиш масаласида ёрдам беришни сўраган эди. Унга тегишли ҳужжатларни тайёрлаш, бизнес режа тузишда ёрдам бердим. Банк унинг мурожаатини ўрганиб чиқиб, чорвачиликни ривожлантириш учун 50 миллион сўм кредит ажратди. Ҳозирда у оиласи билан меҳнат қилиб, гўшт ва сут етиштиряпти.

Яқинда «Зафаробод» ва «Гулстон» маҳалласидан коллеж ўқувчиларининг дарсларга ўз вақтида етиб келишлари учун транспорт билан таъминлаш масаласида мурожаат бўлди. Мазкур масалани ҳал қилиш мақсадида тумандаги «Йўловчи транс сервис» МЧЖ раҳбарига мурожаат қилдик. Айти пайтда ташилот муаммони ечиш ҳаракатида.

Жорий йилда сайловчиларнинг мурожаатлари асосида турли идора ва ташкилотларга 5 марта депутатлик сўрови юбордим. Депутатнинг асосий иши шулардан иборат

эмас, албатта. Энг муҳими, партиямиз электорати манфаатини қай даражада ҳимоя эта олишимизда. Юқоридagi ҳолатлар эса жойларда ижтимоий масалаларни мониторинг қилиб боришнинг бир йўли, ҳолос. Уларнинг барчасини умумлаштириб, депутатлик гуруҳимиз қатор масалаларни вилоят Кенгаши сессиялари муҳокамасига олиб чиқмоқда.

— Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутатлар ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишга қандай ҳисса қўшмоқда? Умуман, партиямизнинг Сайловолди дастури ижросини таъминлашда депутатлик гуруҳининг ўрни қандай бўлаяпти?

— Депутатлик гуруҳи ЎзХДП дастурий мақсадлари ва Сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларни касб-хунарга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, касаначиликни ривожлантириш ва шу орқали бандлик даражасини ошириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, депутатлик гуруҳимиз ижтимоий соҳа объектлари: тиббиёт ва таълим муассасалари, ногиронларнинг махсус интернатлари, Меҳрибонлик ҳамда қариялар уйлари ҳолати, у ерда яратилган шароитни ўрганиб, электорат вакиллари ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича иш олиб бормоқда.

Июнь ойида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси ва партиямиз депутатлик гуруҳи қўшма йиғилишида «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш масаласи кўриб чиқилди.

Унга қўра, ишчи гуруҳ аъзолари томонидан шаҳар ва туманларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган иш-



лар ўрганилди. Натижалар Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Яқинда бўлиб ўтган ЎзХДП депутатлик гуруҳи ва Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг қўшма йиғилишида «2011-2015 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор бажарилишининг бориши ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Қўшма йиғилишида Тошкент вилотида саноат кооперациясини ривожлантириш орқали тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада кучайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар атрофида муҳокама этилди.

Депутатлик гуруҳлари томонидан кўриб чиқилиб, вилоят Кенгаши сессиясига тавсия этилаётган шу каби

масалалар электорат манфаатини самарали ҳимоя этишга хизмат қилмоқда.

— Депутат сифатида бошлангич партия ташкилотлари билан ҳамкорлигингиз ҳақида тўхталсангиз.

— Бўка туманида партиямизнинг 48 та бошлангич ташкилоти бор. Депутат партиямизнинг дастурий мақсад ва вазифаларини жамоатчиликка кенгрок тарғиб қилишга, бу жараёнда бошлангич ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга жиддий эътибор бериши керак, деб ўйлайман.

Аҳоли ўртасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бошлангич партия ташкилотлари билан ҳамкорликда 100 га яқин давра суҳбати, семинар ва учрашувлар ўтказилди. Уларда мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар мазмунини ҳақида фикр алмашилди. Бу каби ишларда «Маҳалла» хайрият жамоат фонди туман бўлими, туман марказий тиббиёт бирлашмаси, «Йўловчидан транс сервис» МЧЖ бошлангич партия ташкилотлари фаоллик кўрсатмоқда. Мазкур ташкилотлар ташаббуси билан аҳоли ўртасида амалий тадбирлар ўтказилиб, уларда кўтарилган тақлифлар, фикрлар ўзим аъзо бўлган доимий комиссия, депутатлик гуруҳи мажлислари кун тартибига турли масалаларни тақлиф этишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бугун фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб, жамият ривожига дахлдорлик ҳисси кучайиб бораёпти. Бу мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасини кўрсатиш билан бирга биз депутатлар зиммасидаги масъулиятни янада оширади.

Меҳроҳ ДАРХОНОВ суҳбатлашди.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

## НАТИЖА АМАЛИЙ ИШ БИЛАН ЎЛЧАНАДИ

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҚИЗИЛТЕПА ТУМАНИДА ХУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДЕПУТАТЛАР ИШТИРОКИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЎзХДП ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ РАИСЛАРИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИ, ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ВА ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Тадбирда сўзга чиққанлар ЎзХДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижросини таъминлашда депутатлар изчил фаолият юритиши муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашди. Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб ишлаб чиқилгани, уларни изчил ва самарали амалга ошириш электорат ижтимоий ҳимоясини таъминлашга хизмат қилиши айтиб ўтилди.

— Ҳаракат дастурида туман партия кенгаши ва депутатлик гуруҳи зиммасига ҳудудий инвестиция дастурларини амалга ошириш орқали янги иш ўринлари яратилиши, аҳолининг тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлишини янада яхшилаш ишларини таҳлилий ўрганиш, шу асосда хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган, — дейди Халқ депутатлари туман Кенгаши депу-

тати **Ғофур Ақтамов**. — Ҳозир шу масала бўйича назорат-таҳлил ишларини олиб бораёғимиз. Бирок тан олиш керак, бу борада айрим депутатларда фаоллик етишмаяпти. Оқибатда маҳаллий Кенгаш сессиялари муҳокамасига олиб чиқилаётган масалаларнинг ўрганилиши изчил бўлмайпти, тақлифлар пухта ишлаб чиқилмаяпти.

Давра суҳбатида мазкур камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Депутатга берилган қонуний ваколатлардан самарали фойдаланиш, маҳаллий идора-ташкилотлар билан ҳамжиҳат ишлаш кўникмасини янада шакллантириш, тажрибали мутахассислар билан кўпроқ ишлаш зарурлиги қайд этилди.

Давра суҳбатида Халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳининг жорий йил давомидаги фаолияти таҳлил этилиб, уни янада кучайтириш бўйича тақлифлар берилди.

Феруза ҚОДИРОВА

Тиббий маданият

## САЛОМАТЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИДА АҲОЛИ ОРАСИДА БОТУЛИЗМ — ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШ КАСАЛЛИГИ УЧРАБ ТУРАДИ. БУНГА АСОСАН УЙ БЕКАЛАРИНИНГ ХОНАДОН ШАРОИТИДА ТАЙЁРЛАГАН, СИФАТИ БЕЛГИЛАНГАН ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРМАЙДИГАН ТУЗЛАМА-МУРАБОЛАРА САБАБ БЎЛАДИ. БУНДАЙ МУАММОЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК? ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, РЕСПУБЛИКА БОШ ДАВЛАТ САНИТАРИЯ ВРАЧИ САИДУМРОД САЙДАЛИЕВ БУ ХУСУСДА ҚУЙДАГИЛАРНИ СЎЗЛАБ БЕРДИ:

— Қиш ва эрта баҳор фасларида аҳоли ўртасида уй шароитида тайёрланган, сифати кафолатланмаган консерва маҳсулотларини истеъмол қилиш оқибатида овқатдан захарланиш — ботулизм касаллиги учраб туради, — дейди С.Сайдалиев. — Декабрь ойининг биринчи ҳафтасида турли вилоятларда ўтказилган зиёда ана шундай ҳолат қайд этилди.

Бунинг сабаби оддий — уй шароитида консерва маҳсулотлари тайёрлашда ҳамма ҳам зарур технологик жараёнлар, санитария меъёрлари ва шахсий гигиена қоидаларига тўла риоя қилмайди. Шунингдек, уларни белгиланган ҳароратда сақлашга ҳам кўпинча эътибор берилмайди. Натижада консервадаги ботулизм споралари тез ривожланиши ва захарли токсинлар чиқарилади.

Ботулизм споралари билан зарарланган консерва маҳсулотларининг ташқи кўриниши, ҳиди ва таъмида деярли ўзгариш кузатилмайдми. Фақат шиша идишининг тунука қопқоғи «шишади». Бундай маҳсулотни истеъмол қилиб захарланган одамда унинг белгилари пайдо бўлиш жараёни икки соатдан саккиз-ўн кунгача чўзилади. Ҳолсизлик, кўнгил айнаши, қусиш, қоринда оғриқ пайдо бўлиши касаллиқнинг клиник белгиларидир. Бундай вазиятда зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак. Акс ҳолда, касаллиқнинг оғир шакллари — юрак-қон-томир ва ўпка хасталиги юзга келиши, беморнинг ҳаёти бутунлай хавф остида қолиши мумкин.

Ҳар қандай касаллик каби ботулизмнинг олдини олиш ҳам инжиринг ўз қўлида. Бунинг учун уй шароитида санитария-гигиена қоидаларига тўла риоя қилиш, бозорларда, кўча-кўйда ноқонуний савдо билан шуғулланаётган шахслар томонидан сотилаётган, сифати ва хавфсизлиги кафолатланмаган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилмаслик лозим.

Мамлакатимиз санитария-эпидемиология соҳаси мутахассислари тегишли давлат ва жамоат тузилмалари вакиллари билан

ҳамкорликда бозорларда, савдо мажмуаларида, белгиланмаган жойларда бундай маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мунтазам рейдлар ўтказмоқда. Таълим муассасаларида ва жамоат жойларида фаолият юритиб келган кафедалар, овқатланиш шохобчаларида санитария-гигиена шароитига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш — доимий эътиборда.

Айни кунларда халқимиз Янги йил байрамини нишонлашга қизгин таратилди кўрмоқда. Ана шундай байрам ва шодиёналари оила даврасида тўкин дастурхон атрофида нишонлаш гўзал аъённаларимиздан ҳисобланади.

Ўз навбатида ишлаб чиқарувчиларимиз ҳам халқимизнинг байрам дастурхонига хилма-хил маҳсулотлар етказиб бериш мақсадида кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. Бугун юртимиздаги қайси бир савдо мажмуаси ва бозорга кирсангиз, улардаги маҳсулотларнинг хилма-хиллигини кўриб қўзингиз яшайди. Хусусан, гипермаркет, супермаркет ва минимаркетлар, бозорларда саноат усулида, белгиланган талаблар асосида ишлаб чиқарилган консерва маҳсулотларининг барча турлари мавжуд. Уларни сақлаш шароитига ҳам тўла риоя этилади. Ушбу маҳсулотларнинг деярли барчаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва сифати мувофиқлиги сертификати билан кафолатланган.

Байрам дастурхонини безаш учун ана шундай замонавий савдо масканларимизга ташриф буюриш мақсада мувофиқдир. Сотиб олинган ҳар бир озиқ-овқатнинг сақланиш шароитига ва муддатига ҳам қатъий риоя этиш зарур. Муддати ўтиб кетган торти, пиширилган, ширинликлар, сақланиш истеъмол қилиш соғлиққа зарар етказди.

Қисқа қилиб айтганда, ҳар ким ўзи ва оиласининг соғлиғини учун аввало ўзи масъул эканини унутмаслиги лозим.

ЎзА мухбири Баҳор ХИДИРОВА ёзиб олди.

## СИЁСИЙ ШАРҲЛОВЧИЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

### масаласи муҳокама қилинди

Тадбирда демократик жараёнларни кучайтиришда сиёсий партияларнинг таъсир кучи тобора ошиб бораётгани, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда уларнинг ўрни катта экани таъкидланди. Сўзга чиққанлар партия нашрлари бу жараённинг фаол иштирокчиларидан эканига эътибор қаратиб, сиёсий партия билан электорат, депутат билан сайловчи ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамфиқриликни кучайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Маълумки, партия нашрлари ва уларда бериб борилган сиёсий шарҳлар долзарб масалаларни мушоҳада этиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги ислохотлар, ютуқ ва камчиликларни аниқ тасаввур қилишда ўзига хос ўрин тутаяди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Ижтимоий-сиёсий жараёнлардан хабардор киши ислохотлар мазмун-моҳиятини, уларнинг жамият ҳаётига таъсирини теран англайди.

Давра суҳбатида ёш сиёсий шарҳловчилар сафини кенгайтириш, уларнинг муайян партия голяри ва мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда воқеликни таҳлил қила олиш сало-

ҳиятини ошириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири

Сафар Остонов, «Жамият» газетаси Бош муҳаррири Сирожиiddин Рауфов сиёсий шарҳловчиларни тайёрлаш, хусусан, партия ва парламент фаолиятини ёритадиган журналистлар билими ва маҳоратини ошириш масалалари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришди. Айниқса, янги қабул қилинган Қонун ва Қарорлар

мазмун-моҳиятини шарҳлаш, одамларга оддий, таъсирчан усулда тушунтириш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Давра суҳбати сўнггида мутахассислар ёш журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Гулуҳ ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Давра суҳбати

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

# ИШЛАБ ЧИҚИЛАЁТГАН ЯНГИ ҚОНУНЛАР

нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамиятдаги нуфузини оширишга хизмат қилади, — дейди Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази раҳбари Шамил АСЯНОВ

Бундан бир неча йил муқаддам нодавлат нотижорат ташкилотлари энг кўп дуч келадиган саволларни тўлаб, уларнинг жавобларини тайёрлаб, китоб ҳолида нашр этгандик. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисидаги қонун яратилишининг фаол иштирокчилари сифатида бу мавзунинг ўрганиши, тадқиқ этиш биз учун жуда муҳим эди. ННТлар ўз фаолияти давомида энг кўп дуч келадиган муаммо нима деб ўйлайсиз? Албатта, маблағ масаласи. Ходимлар учун иш ҳақи, офис учун ижара, иш юритиш учун лозим бўладиган телефон, компьютер... Буларнинг ҳаммаси учун эса маълум миқдорда маблағ керак.

ННТнинг ўз олдига қўйган мақсадларига ва уларга жамоатчиликнинг эътиборига қараб бирида озроқ, бирида кўпроқ маблағ бўлиши мумкин. Шунингдек, ғояларини амалга ошириш учун турли хизматларни йўлга қўйиб, ташкилотнинг ўзи ҳам маблағ топа олади.

Кўпчилик мамлакатларда ННТнинг ривожланиш жараёнини ўрганиб, аксариятида улар хусусий институтлар томонидан қўллаб-қувватланганига гувоҳ бўлдим. Бизда эса «Маҳалла» жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланган ННТ бор, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштириш учун Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 2008-2012 йилларда 22,4 миллиард сўмдан ортиқ маблағ давлат бюджетидан ҳисобидан ажратилди. Бу эса маълум мақсадни амалга ошириш ниятида ихтиёрли бириккан кишиларнинг ўз фаолиятларини моддий жиҳатдан таъминлаш учун яратилган шарт-шароитлардир.

Жисмоний имконияти чекланган кишиларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш билан шуғулланувчи ННТни биламан —

уларнинг қошида ташкил этилган цехларда ногиронлар қобилияти ва имкониятларига яраша иш билан таъминланган. Шу орқали ташкилот ўз олдига қўйган ногиронларнинг турмуш даражасини кўтариш вазифасини амалга оширади. Марказимиз нафақат ҳуқуқий муаммоларни ўрганади, балки уларга тегишли ташкилотлар эътиборини қаратиш, бартараф этиш учун асосли таклифлар бериш ва қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этиш орқали уларни ҳал этишда ҳам қатнашади. Энг муҳими, бизни эшитишяпти, биз билан маслаҳатлашишяпти, ўрнили фикрларимизни инобатга олишяпти ва қўллаб-қувватлашяпти.

Жамиятдаги обрў-эътибор, рейтинг даражаси нодавлат нотижорат ташкилоти учун жуда муҳим. Обрўингиз бўлмаса ким сизни эшитади? Хоҳ моддий бўлсин, хоҳ маънавий бўлсин, ким сизга мадад бўлади?

Айни кунда лойиҳаси ишлаб чиқилаётган «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида»-ги Қонун амалга кириши билан ННТнинг жамиятдаги обрўси янада ошади. Ушбу Қонун лойиҳасида муҳим давлат дастурларини қабул қилишда ва уларни амалга оширишда ННТни жалб қилиш шартлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Дастурда белгиланган вазифаларни талаб даражасида бажариш учун ҳокимият албатта бу борада амалий ва назарий тажрибага, обрў эътиборга эга ташкилотни танлайди.

Айни пайтда ННТнинг жамиятдаги ролини оширишга хизмат қиладиган яна иккита — «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»-ги Қонун лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда.

Президентимиз томонидан мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида мамлакатимизда жамоатчилик назорати ҳақидаги қонунни қабул қилиш фурсати етга-

ни, унда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш заруриги кўрсатиб ўтилган.

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Президентимиз Концепцияда қўзда тутилган 50 дан зиёд қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш дастури бўйича бугунги кунга қадар мамлакатимиз Парламенти томонидан 12 та қонун қабул қилинган, 30 дан ортиқ қонун лойиҳаси эса кенг жамоатчилик, жумладан, хорижий эксперт ташкилотларни жалб этган ҳолда кўриб чиқиш ва муҳокама этиш босқичида турганини таъкидлаб ўтди.**

Маърузани тинглар эканман, шу йил 14-15 сентябрда Тошкентда ўтказилган «Давлатни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш шариоитида фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирокини самарали механизмлари: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси» мавзусидаги халқаро конференция таассуротлари хаёлимдан ўтди. Унда жамоатчилик назорати фуқаролар, ННТ ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирокини таъминловчи таши-

лий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг жамоат тузилмалари томонидан аниқлаш ва бу соҳадаги вазиятни яхшилаш учун чора-тадбирлар белгилаш, фуқаролик жамияти институтларининг қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий актларнинг жамоатчилик экспертизасида иштирокини таъминлашига имкон бериши ҳақида сўз юритилиб, турли мамлакатларнинг жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича тажрибалари ўрганилди.

Ана шу анжуманда жамоатчилик назорати тўғрисидаги турли хил фикр мулоҳазалар, нуктаи назарларни тингладик. Айтиш жоизки, анжуман чет эллик экспертларнинг эътирофига сазовор бўлди. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг муҳокамаларда қатнашиши, муқобил таклиф тавсияларини беришининг ўзиёқ Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривож даражаси ҳақида кўп нарсаларни аниқлатади, дейишди улар.

**«Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида», «Жамоат назорати тўғрисида», «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» ва бошқа ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳам гоят муҳим аҳамиятга эгадир. Улар юртимизда фуқаролик жамиятини жадал ривожлантириш, унинг одамларимизнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ролини ошириш, ҳокимият тузилмалари фаолияти ошқоралигини кучайтириш ва бошқарув соҳасида қабул қилинаётган қарорлардан аҳолини хабардор этиш каби мақсадларга хизмат қилади, деди Юрбощимиз Конституция кундаги маърузасида.**

Дарҳақиқат, бу Қонун ҳужжатлари қабул қилиниши билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамиятдаги нуфузи ошиши ва улар фаолияти учун янги, қулай шарт-шароитлар яратилиши фуқаролик жамиятининг тақомиллашишига хизмат қилади.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Шарофат Йўлдошева ёзиб олди.**



Хориж

## 1 МИЛЛИАРД КИШИ

саёҳатга чиққан

**Дунё ҳамжамиятининг ўзаро алоқалари, турли соҳалар бўйича ҳамкорлиги ривожлангани сари сайёҳлик салоҳияти ҳам тобора ўсиб бормоқда. Бу ўсиш жорий йилда яққол кўзга ташланди.**

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига қайд этилишича, жорий йилнинг охирига бориб дунё бўйлаб саёҳатни амалга оширган сайёҳлар сони 1 миллиард кишига етаркан. Бу ҳолатнинг алоҳида таъкидлашга арзигулик жиҳати шунки, бу жаҳон сайёҳлик тарихида биринчи марта кузатилаётганidir. Ҳисоботларга қараганда, 2011



Йилда мазкур кўрсаткич 990 миллион кишини ташкил этган.

## ТРАМВАЙ ЭМАС

лекин электр қуввати билан ҳаракатланади

**Германиянинг Фраунгофер институти мутахассислари дунёда энг узун автобусни ишлаб чиқиб, фойдаланишга топширганларига анча бўлди. Айни вақтда Дрезден шаҳрида ушбу автобус қатновидан аҳоли баҳраманд бўлмоқда.**



Фраунгофер институти директори Маттиас Клингернинг сўзларига қараганда, электр мотор ўрнатилган мазкур транспорт воситасининг бир марталиқ қуввати 8 километр масофани босиб ўтишга етади.

Маҳаллий матбуот тарқатган хабарларга кўра, мазкур «Autotram» автобусининг узунлиги 30 метр, кенглиги 2,55 метр, баландлиги эса 3,4 метрга тенг. У бир вақтнинг ўзида 256 йўловчига хизмат кўрсата олади.

## ЖИСМОНИЙ ҲАРАКАТ

эрта қаришнинг олдини олади

**70 ёшдан кейин ҳам жисмоний ҳаракат билан мунтазам шуғулланиш қариллик билан боғлиқ касаллик белгилари пайдо бўлишининг олдини олади.**

Эдинбург университетги олимлари пенсия ёшидаги 638 нафар қариянинг мия томографияси натижаларини тадқиқ қилиб шундай хулосага келдилар, дейилади «Невролоджи» журналида чоп этилган илмий мақолада.

Олимлар кузатувидаги қарияларнинг маълум қисми 3 йил давомида мунтазам равишда жисмоний машқлар билан шуғуллангани, уларнинг миёсидан қон айланиши, кислород ва бошқа озукларнинг вақтида ва кўп етиб бориши меъёрида бўлгани боис секин кечган. Жисмоний ҳаракат билан деярли шуғулланмаган қарияларда эса аксинча ҳолат кузатилган.

Маълумки, қариллик туфайли ақл заифлашиши ушбу юз йилликдаги глобал ижтимоий ва тиббий муаммолардан бири ҳисобланади. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 2050 йилга бориб, қариллик туфайли ақли заифлашган кексалар сони уч бараварга ортиб, 115,4 миллион кишига етаркан. Айнан уларни даволаш учун эса



600-700 миллиард доллар миқдорда маблағ сарфланаркан. Кексайганда ҳам ақлий имкониятларингиз билан атрофдагиларни лол қолдиришни истасангиз жисмоний ҳаракат билан ҳам мунтазам шуғулланишни унутманг.

## ТИТАН ОКСИДИ

ҳарорат кўтарилишига қарши

**Британиялик кимёгар-муҳандис Питер Дэвидсон ва унинг ҳамфирмалари икким ўзгаришларининг, аниқроғи, ҳаво ҳарорати кўтарилишининг олдини олиш бўйича янги лойиҳа ишлаб чиқдилар ва бунинг умуман безарар эканлигини тасдиқладилар.**



Улар атмосферанинг стратосфера қатламга аэролат ёрдамида 3 миллион тонна титан икки оксидини пурқаш ёрдамида жуда юққа қатлам яратиш орқали куёшдан келатган нурларнинг маълум қисмини қайтариш ва бу билан ердаги ҳароратни пасайтиришга имкон яратди.

«National Geographic» нашрида ёзишларича, титан икки оксиди безарар бўлиб, у куёшдан муҳофаза қилувчи кремларга ҳамда озик-овқатларга ранг берадиги омил сифатида қўлланилади.

Маълумки, 1991 йили Филиппиндаги Пинатубо вулкони отилган пайтда атмосферага 20 миллион тонна олтингургурт икки оксиди ёйилган. Бу эса 2 йил давомида сайёрамиз ҳароратининг ярим даража пасайишига имкон яратган.

Аммо шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, олтингургурт кислотаси озон қатламини емиради ва ўз навбатида курғоқчиликни юзага келтириши мумкин. Титан икки оксиди эса безарарлигидан ташқари ҳавода олтингургуртга қараганда кўпроқ сакланиб туради ва куёш нурларини олтингургуртга нисбатан 7 марта кўпроқ қайтаради.

Қинғир иш — келтирар ташвиш

# СОЛИҚ ТЎЛАШДАН БОШ ТОРТГАН ТАДБИРКОРЛАР

**ТОШЛОҚ ТУМАНИДА ЯШОВЧИ ФУҚАРО А.НОРАЛИЕВ ҲУҚУҚ ВА ИМКОНИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШГА ФОЙДАЛАНДИЮ, ЛЕКИН ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ БУРЧЛАРИНИ УНУТИБ ҚЎЙДИ.**

У туманда «Автомобилчи» савдо ишлаб чиқариш фирмаси ва «Автомобиль транспорт хизмати» масъулияти чекланган жамиятларини (МЧЖ) ташкил қилди. Фирма ва МЧЖ аҳолига пуллиқ транспорт хизмати кўрсатишни бошлади. Тадбиркорнинг ишлари тез орада юришиб кетди. Даромад ҳам шунга яраша бўлаверди. Бироқ А.Норалиев олинаётган даромадига қаноат қилмай, янада кўпроқ пул топгиси келди.

Туман ДСИга топширилган ҳисоботларда фирмадаги ишчи-хизматчилар сони 2009 йилда 34 нафар, 2010 йилда 43 нафар, 2011 йилда 27 нафар, МЧЖда ишловчилар эса 2009 йилда 14 нафар, 2010 йилда 21 нафар, 2011 йилда 25 нафарга камайитириб кўрсатилди. Натижада жами 112.219.300 сўм миқдоридagi солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаган. Мазкур ҳолат Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛК Департаментининг туман бўлими томонидан тайинланган ҳужжатли тафтиш жараёнида фш этилди.

А.Норалиев сингари мўмай даромад илинжида фу-

қаролик бурчини унутган тадбиркорлардан яна бири — тумандаги «EKSKLYUZIV TEXNO EKSPRESS» МЧЖ раҳбари Муҳаммаджон Тўланов бўлади. У муқаддам жуда кўп миқдорда ўзлаштириш ва растрата қилиш, ҳужжатларни қалбақлаштириш жиноятларини содир этганлиги учун судланиб, амнистия актига асосан муддатидан илгари жазодан озод қилинган. Аммо бу бағрикенгликдан ўзига тегишли хулоса чиқариш ўрнига тақдоран жиноятга қўл урди. У 2011 йил ва жорий йилнинг дастлабки чорагида савдодан тушган 59.908.439 сўм нақд пулни назорат касса машинасига кириб қилмаган ҳолда банкка топширди. Тез сотиливчи ликвидли маҳсулотлар савдосидан тушган 1.180.595.200 сўм нақд пулни эса НКМдан ўтказмади, банкка ҳам топширмади. Қолаверса, туман ДСИга тақдим қилган ҳисоботида 1.174.598.000 сўмлик тушумни кўрсатмай, 23.491.100 сўм миқдоридagi солиқларни тўлашдан бош тортиди.

Албатта, суд ҳар иккала тадбиркорнинг қилмишига яраша қонуний жазо та-

йинлади. Конституциямизнинг 51-моддасида «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар», дея қатъий белгиланган. Бу бурчини унутганлар, фақат ўз ҳамёнини ўйлайдиганлар қонун олдида жавоб беришлари аниқ.

**Давлат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳиссасига тўғри келади. Демак, бугун тўлаган солиқ ва мажбурий тўловларимиз эртага ўзимизга, яқинларимизга иш ҳақи, пенсия ва нафақа тарзида қайтади.**

Шундай экан, ундан бўйин товлаш ижтимоий муҳофаза масаласига қарши туриш, пенсионер ва нафақахўрлар манфаатини оёқ ости қилиш, талабалар стипендиясини вақтида ололмаслигига сабабчи бўлиб қолишидир.

**Лазизбек САЛИЕВ, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛК Департаментининг Тошлоқ туман бўлими бошлиғи.**

Реклама

**UZBEKISTAN airways**

**«Навоий» аэропортидан дунёнинг исталган жойига юк ташиш!**

**«Навоий» ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ — БУ:**

- Юкка ишлов бериш бўйича минтақадаги энг йирик марказ;
- Ҳаво, темир йўл ва қуруқликдаги йўналишларнинг тўғридан-тўғри боғланиши;
- Кунига 300 тоннагача юкка ишлов бериш;
- Энг замонавий юк ташиш самолётларидан фойдаланиш;
- «Навоий» аэропортига/дан юкни ўз муддатида ва ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам етказиб бериш/жўнатиш;
- Ҳар қандай турдаги юкларни расмийлаштириш, ишлов бериш ва сақлаш бўйича кенг турдаги хизматлар;
- Ҳафтасига 7 кун, 24 соат ишлайди.

**ЮКНИ БРОНЛАШ:**  
Алоқа телефонлари: Тошкент ш. (+99871) 140-20-93, Навоий ш. (8436) 539-38-75  
e-mail: cargo@uzairways.com

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, Юк ташиш бошқармаси.

# Журналистикада ИХТИСОСЛАШУВ ДАВР ТАЛАБИ

ЎЗМУ МАДАНИЯТ САРОЙИДА «ОЛИЙ ЖУРНАЛИСТИКА КУРСЛАРИДА ИХТИСОСЛАШУВ МАСАЛАЛАРИ» МАВЗУСИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ. УШБУ ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ ОАВ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИНИ Қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, ЖУРНАЛИСТЛАРНИ Қайта тайёрлаш халқаро маркази, ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ, РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ ҲАМДА «КИТОБ ДУНЁСИ» ГАЗЕТАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.



Шавкат АҚРАЙМОВ олган суратлар.

— Олий журналистика курслари 2005 йилда Президентининг ташаббуси билан Миллий университетнинг журналистика факультети қошида ташкил этилган эди, — дейди **ЎЗМУ ректори, кимё фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан аربоби Гофуржон Муҳамедов.** — Утган давр мобайнида мазкур курсни такомлаган магистрлар бугунги кунда республикамизнинг етакчи оммавий ахборот воситаларида фаолият юритмоқда. Замон талабидан келиб чиқиб олий журналистика курсларида ихтисослашув масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Талабаларнинг илмий салоҳиятини ошириш, уларни касбга йўналтиришида журналистика факультетимизда зарур ўқув лабораториялари мавжуд. Жумладан, фото, видео ва радиостудиялар, маҳорат мактаби ишлаб турибди. Замонавий техник ускуналар билан жиҳозланган ахборот-ресурс маркази ҳамда кутубхона талабалар ихтиёрида...

— Кун сайин ўзгариб, тараққий этиб бораётган даврда яшашнинг бирдан бир шарти атрофда бўлаётган воқеаларга ўз нуқтаи назаридан баҳо бериш, ҳолис ва ноҳолис, аниқ ва шубҳали ахборотларни саралаб олишдир, — дейди **ЎЗМУ журналистика факультети декани, доцент Махлиё Мирсоатова.** — Юртбошимиз интернет ҳақида гапириб, бу дўконга кирган одам ўзига керакли молни харид қилади. Лекин гап мана шу дўкондан нимани олишда деб беҳиз айтмаган. Бугунги кун журналисти кечасидан кескин фарқ қилади. Глобаллашув даври журналистлар олдида долзарб вазифаларни қўймоқда. Журналист ҳар қачонгидан ҳам фаол, тезкор бўлиши керак. Журналистика ва ахборот бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, журналист «интернет дўкони»даги «харидор» — талабгорга сара махсулотларни танлашда тарғиботчи вазифасини ҳам бажариши зарур. Бу эса ахборот олиш маданияти — «инфоэтика»ни шакллантиришга олиб келади. Бугун интернет журналистикаси деган янги ихтисослашув пайдо бўлди. Биз мана шу йўналишда ҳам мутахассислар тайёрлашга эътибор қаратишимиз керак. — Аини пайтда юртимиздаги оммавий ахборот воситаларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш динамикасининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ахборот соҳасини янада либераллаштириш, сўз эр-

кинлигини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар соҳа тараққиётига хизмат қилмоқда, — дейди **Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори Бобир Алимов.** — Аини вақтда босма даврий нашрлар халқаро стандартлар ва ривожланган давлатларнинг илгор тажрибасига таянган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам фуқароларнинг сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш йўлида хизмат қилмоқда. 2012 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, мамлакатимизда 1305 та оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Улардан 712 таси газетаси, 264 таси журнал, 16 таси ахборотнома-биоlettен, 4 таси ахборот агентлиги, 63 таси телевидение, 34 таси радиодир. Республикада рақамли ахборот технологияларининг соҳага жадал ва тизимли равишда жорий этилиши, хусусан, интернет тармоғининг кенгайиб бориши натижасида 2012 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, 210 дан ортиқ веб-сайтлар ОАВ сифатида рўйхатдан ўтказилганини алоҳида таъкидлаш зарур. — Журналист ихтисослашув

масаласи ниҳоятда долзарб ва муҳимдир, — дейди **Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов.** — Биз яшаб турган «ахборот асри» шиддати оммавий ахборот воситалари олдида шундай вазифаларни қўймоқдаки, бунинг учун соҳа ходимлари юқори малакага эга бўлмоғи лозим. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори муҳим омил бўлди. Унинг ижроси доирасида ЎЗМУ журналистика факультети фаолияти замонавий талаблар асосида такомиллаштирилди. Шунингдек, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ташкил этилган халқаро журналистика факультети ҳам қисқа вақт ичида соҳа учун кадрлар етиштиришда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Журналист ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларни, ютуқларни камчиликлари ҳақоний ва хонисона тўри ёритсагини, унинг мақолалари, кўрсатув ва аштитиришлари жамият тараққиётига хизмат қилади. Базан шундай материалларга ҳам дуч келамизки, муаллиф долзарб мавзу танлаганига қарамай, унинг ма-

ҳиятини етарлича ёритиб бера олмайди. Сабаби, у шу соҳани, унинг ютуқ ва муаммоларини яхши билмайди. Ихтисослашув масаласи қанчалар муҳим эканлиги ана шундай вазиятда янада кўзга ташланади. — Олий журналистика курслари нафақат республикамизда, балки Марказий Осиё ва МДХ давлатлари орасида ўз йўналиши бўйича ягона ҳисобланади, — дейди **Олий журналистика курслари раҳбари Беруний Алимов.** — Утган қисқа давр ичида 400 дан ортиқ тингловчи журналистика соҳасининг турли замонавий ихтисосликлари бўйича чуқур билим олиб, магистрлик даражасини кўлга киритди. Факультетнинг интернетдаги саҳифаси бўлган **jurfak.uz** сайтининг янги версияси талабаларимиз томонидан ишлаб чиқилди. Шу йилнинг октябрь ойида ОЖЖ тингловчиларининг «Олий журналистика курслари: илм ва ижод ўйгунлиги» номли биринчи мақолалар тўплами чоп этилди. — Темуралиев **АЪЗАМ, «Ўзбекистон овози» муҳбири, ЎЗМУ журналистика факультети магистранти.**

## Анжуман

сад уларни журналистика-мизнинг турли замонавий тармоқларига ихтисослашувини таъминлашдир. — Юртимизда интернетдан фойдаланадиганлар сони кун сайин ортиб бормоқда, — дейди **Олий журналистика курслари II босқич тингловчиси Баҳодир Мирзаев.** — Бу борада футбол ишчибозлари анча фаол. Аини пайтда **uff.uz** сайтига бир кунда кирувчилар сони 60 мингтаини ташкил этётган бўлса, **stadijon.uz** ва **championat.uz** сайтлари 15-20 минг кишилик аудиторияга эга. Ушбу сайтлар ўзбек ва жаҳон футболда рўй бераётган энг сўнги хабарларни мухлислар эътиборига ҳавола этишмоқда. Машҳур футбол юлдузлари билан онлайн-конференциялар ўтказилапти. Телевидение орқали тўғридан-тўғри олиб кўрсатишнинг имкони бўлмаган учрашувлар он-лайнда трансляция қилинмоқда. Менинг шу мавзуда тайёрлаган маърузам семинар якунларига кўра, «энг яхши» деб топилди. Бундан алабатта хурсанд бўлдим. Уйлайманки, бу каби анжуманлар олий журналистика курсларида ихтисослашувни янги босқичга олиб чиқади.

## Миннатдорлик

### ДАРДИМГА ДАРМОН БЎЛИШДИ

**Ёшим саксонга яқинлашди. Кейинги пайтларда соғлигим бироз оғирлашгандай бўлди. Ўзимни ёмон ҳис эта бошладим. Бўғинларимда оғриқ пайдо бўлди, руҳим тушиб кетди.**

Шундан сўнг Чирчиқ шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникага мурожаат қилдим. Бош терапевт Бахтигул Жумаева ва травматолог Олимжон Соғатовга учрашдим. Қўли енгил шифокорларнинг ширинсўзлиги, меҳрибонлиги туфайли мен тез орада дардан фориғ бўлдим. Хасталикка чалинган инсонларни фақат дори-дармон билан эмас, биринчи навбатда, ширин сўз билан даволаб келаётган шифохона бош вазири Дилнора Срожева бошчилигидаги ходимларнинг барчасига миннатдорлик билдиришмоқчиман. Муолажалардан кейин саломатлигим анча яхшиланди. Ўғтибор ва ҳам-ўрликдан бошим осмонга етди. Шу ўринда яна бир гап. Газеталарингизда ўз ишини устаси бўлган ҳалол, меҳрибон шифокорлар ҳақида тез-тез мақолалар бериб борилса.

**Саидхадма ҚАЙУМОВ, ёлғиз пенсионер, Чирчиқ шаҳри.**

### ОБ-ҲАВО 13-14 – 12. 2012

Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	-12 / -17
Бухоро ва Навоий вилоятлари	-3 / -8
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	-2 / -7
Қашқадарь ҳамда Сурхондарё вилоятлари	-2 / +3
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	-3 / +2
Тошкент шаҳри	0 / +5
Дунё бўйлаб (°C)	-3 / -5
Лондон	-3 / -2
Париж	0 / -3
Москва	-2 / -7
Мадрид	-1 / -1
Пекин	-7 / -7
Канберра	+8 / +10
Рим	+4 / +1
Афина	+6 / +7
Токио	+2 / +4
Стокгольм	-4 / -6
Кейптаун	+15 / +15
Қоҳира	+10 / +11
Гавана	+22 / +22
Вашингтон	+2 / +1

## Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

Ёнғинларнинг олдини олиш ва уларнинг аянчли оқибатларидан аҳолини яна бир бор огоҳ қилиш мақсадида республикамизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда.

### БАРЧА МАСЪУЛ БЎЛГАН ИШ

Тилсиз ёв билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас, бу ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади. «Ўз уйингни ўзинг асра», деган шир ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, маҳалла, муассаса, корхона-ташкilotта тааллуқли. Қўйиладигиларга рия қилинса, ёнғин билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинади:
 

- Олчиқ алаңдан фойдаланилаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш;
- Электр ва газ асбобларини доимо соҳа ҳолда тутиш ва носоз ҳолда, қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик;
- Белгиланган жойларда чекиш.



Юқоридаги қоидаларга рия қилинса, ҳар бир фуқаро йиллаб йикқан мол-мулкни, уй-жойини, қолаверса, ўзининг ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади, турли кўнгилсизликларнинг олди олинади. **Ҳабибулла ҲОШИМОВ, Тошкент шаҳар 12-ҲҲО кичик инспектори.**

## ҲУШЁР ВА ОГОҲЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ РЕСПУБЛИКАМИЗГА ЁҚИЛГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ЕТАКЧИ КОРХОНАЛАРДАН БИРИДИР.

Бу ерда нефть ва углеводород хомашёлари қайта ишланиб, истеъмолчиларга етказиб берилишида ёқилги маҳсулотлари юқори ҳароратда қиздирилиши ва катта миқдорда сакланишини инобатга олсак, завод республикамиздаги хавфли ишлаб чиқариш объектлари рўйхатига кириши, бу ерда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифа эканлиги маълум бўлади. Шунинг эътиборига олган ҳолда завод маъмурияти томонидан йил давомида ёнғин хавфсизлиги тадбирлари бир неча йўналишда амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, ишчиларнинг ёнғин хавфсизлиги борасидаги назарий ва амалий билимларини оширишга катта эътибор қаратилган. Ҳар бир ишчи харбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди инспекторлари томонидан

ёнғин хавфсизлиги талаблари ва бирламчи ўт ўчириш воситаларини ишлаш шартлари билан таништирилди. Ишчиларнинг ёнғин содир бўлганда уни бартараф этишда амалий кўникмаларини шакллантириш ва тактик маҳоратини ошириш муҳим вазифалардан биридир. Ишчилар ўртасида харбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди инспекторлари томонидан «Ёнғин тилсиз ёвдир», «Огоҳ бўлинг» мавзуларида сўхбатлар ўтказилмоқда. Ҳар бир цехда «Кўнгилли ўт ўчириш гуруҳлари» тuzилган бўлиб, бу гуруҳлар иштиракида бино ва қурилмаларда ёнғин пайтидаги тасдиқланган эвакуация режаси асосида амалий машғулотлар доимий равишда ўтказилиб келинмоқда. Ёнғин хавфсизлигининг моддий-техник базасини за-



монвий ускуналар билан такомиллаштириш ёнғин ҳақида теорик билан хабар бериш, унинг кенгайиб кетишининг олдини олиш ва тез бартараф этиш, ёнғин оқибатида юзага келадиган талафотларни камайтиришга имкон беради. Шу мақсадда ёнғин хавфсизлиги ойлигининг биринчи декадасида завод томонидан қўйидаги ишлар режалаштирилди ва бажарилди:
 

- ёнғиндан хабар берувчи алоқа воситалари харид қилиш;
- ёнғинга қарши сув хазаларини таъмирлаш;
- сув билан совутиш тизимини янғидан ўрнатиш;

бирламчи ўт ўчириш воситаларини харид қилиш ва уларни синовдан ўтказиш тадбирлари; тарғибот ва ташвиқот ишлари. Қўлинаётган ишлар ўз натижасини бермай қолмайди. Республикада «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» доирасида ўтказилаётган тадбирларда харбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди фаол иштирок этмоқда. Бу заводда ёнғин хавфсизлигини таъминлашда ўз самарасини бермоқда. **Ғулום САҒАРОВ, Бухоро нефтьни қайта ишлаш заводи цех бошлиғи.**

Тошкент шаҳар Чилонзор тиббиёт коллежи томонидан 2008 йилда Маликов Сарвар Гафуржонович номига берилган К№ 1078923 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

### БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати (БТИ) томонидан Чилонзор 12-мавзе, 17-уй, 16-хонадонда яшовчи Чинкилов Хусан Ҳайитович номини 1996 йил 16 мартда берилган реестр №12-415 рақамли олди-сотди шартномаси ва кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли

### БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон ҲДП Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси Саида Журраевага онаси **МУХИБА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон ҲДП Тошкент вилоят кенгаши партия фахрийси **Абдумалик ҲАМДАМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор қилади.

Газетанинг навбатдаги сони 18 декабрь, сешанба кунини чиқади.

<p><b>MUASSIS:</b></p> <p>O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI</p>	<p><b>Bosh muharrir: Safar OSTONOV</b></p> <p><b>TANHIR HAY'ATI:</b></p> <table border="0"> <tr> <td>Abdulla ORIPOV</td> <td>Murodulla ABDULLAYEV</td> <td>Muslihihiddin</td> </tr> <tr> <td>Latif G'ULOMOV</td> <td>Ulug'bek MUSTAFOYEV</td> <td>MUHIDDINOV</td> </tr> <tr> <td>Bobir ALIMOV</td> <td>Tat'yana KISTANOVA</td> <td>Ochilboy RAMATOV</td> </tr> <tr> <td>Sharbat ABDULLAYEVA</td> <td>(Bosh muharrir o'rinbosari)</td> <td>Saidahmad RAHIMOV</td> </tr> </table>	Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihihiddin	Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	MUHIDDINOV	Bobir ALIMOV	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV	Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV	<p><b>BO'LIMLAR:</b></p> <p>Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatanparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kutilibot — 233-72-83, 236-55-17.</p> <p><b>MANZILIMIZ:</b></p> <p>100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.</p> <p>Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.</p> <p>«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.</p>	<p>Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.</p> <p>«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.</p> <p>e-mail: info@uzbekistonovozi.uz</p> <p>Г — 1246 9458 naxsada bosildi.</p> <p>Nashr ko'rstichi — 220 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 20.20 Toshirilgan vaqti — 23.30</p> <p>Sotuvda erkin narxda</p>	<p>Navbatchi: <b>Toshtemir XUDOYQULOV</b></p> <p>Sahifalovchi-dasturchilar: <b>Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV</b></p> <p>ISSN 2000-7633</p> <p>1 2 3 4 5</p>
Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihihiddin														
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	MUHIDDINOV														
Bobir ALIMOV	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV														
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV														